



**OZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

TA'LIM TIZIMIDA CHET TILLARNI O'RGANISHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN



5-6 mart 2020 yil

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий анжуман

5-6 март 2020 йил

**MODERN PROBLEMS AND PROSPECTS OF LEARNING FOREIGN
LANGUAGES IN EDUCATIONAL SYSTEM
International scientific-practical conference**

March 5-6, 2020

**СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ОБУЧЕНИЯ
ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ
Международная научно-практическая конференция**

5-6 марта, 2020

БУХОРО – 2020

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 56-Ф-сонли буйруғига асосан ўтказилган халқаро конференция материаллар тўпламига замонавий тилшунослик, таржимашунослик, адабиётшунослик ва чет тили ўқитиш методикасининг долзарб муаммоларига доир илмий маърузалар ўз аксини топган.

Мазкур “Таълим тизимида чет тилларни ўрганишнинг замонавий муаммолари ва истиқболлари” мавзuidaги халқаро конференция Бухоро давлат университети Хорижий тиллар факультети Немис ва француз тиллари кафедраси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Ушбу тўплагга халқаро илмий конференция қатнашчилари, республика ва хорижий олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари ва тадқиқотчиларининг илмий мақолалари киритилган.

The International Conference held according decree No. 56-F dated February 7, 2020 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan contains scientific reports on topical issues of modern linguistics, translation, literary criticism and teaching methods of foreign languages.

The international conference on theme "Modern Problems and Prospects of Learning Foreign Languages in Educational System" is being held in the German and French Languages department of Bukhara State University.

Scientific articles of participants of international scientific conferences, professors and teachers of national and foreign universities and researchers are included in this collection.

Международная конференция, проведенная в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2020 года № 56-Ф, содержит научные доклады по актуальным вопросам современной лингвистики, перевода, литературоведения и методики преподавания иностранных языков.

На кафедре немецкого и французского языков Бухарского государственного университета проходит международная конференция на тему «Современные проблемы и перспективы изучения иностранных языков в системе образования».

В сборник включены научные статьи участников международных научных конференций, профессоров и преподавателей отечественных и зарубежных вузов и исследователей..

Масъул мухаррирлар:

**ф.ф.д. профессор М.М.Жўраева
ф.ф.д. профессор М.Қ.Бақоева
ф.ф.д., профессор Д.С.Ўраева
ф.ф.д., профессор Д.Х.Қувватова**

Тахририят аъзолари:

**ф.ф.д., профессор М.М.Жўраева
ф.ф.д. профессор М.Қ.Бақоева
ф.ф.д., профессор Д.С.Ўраева
ф.ф.д., профессор Д.Х.Қувватова,**

**катта ўқитувчи Д.Х. Каримова
катта ўқитувчи М.М. Маҳмудова
илмий котиб С.С.Худоев**

Такризчилар:

**ф.ф.д, профессор Ж.А.Якубов
ф.ф.н, доцент З.И. Расулов
ф.ф.н., доцент Р.Р.Бобокалонов
ф.ф.ф.д, Я.Б.Рўзиев**

Дизайнер:

ўқитувчи Р.С. Шакиров

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА

Ахмедова С.Х. БухДУ таянч докторанти

Калит сўзлар: фольклор, таржимашунослик, тараққиёт, эртак, бадий танқидчилик

Ключевые слова: фольклор, переводоведение, развитие, сказка, художественная критика

Keywords: folklore, translation, development, fairy tale, literary criticism

Аннотация: Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек фольклоршунослиги тараққиёти, таржимашунослик масалалари ва бу соҳадаги айрим муаммолар кўриб чиқилган.

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы развития английского и узбекского фольклора, вопросы перевода и некоторые проблемы в этой области

Annotation: This article discusses the development of English and Uzbek folklore, the issues of translation and some of the problems in this sphere

Фольклор атамаси аслида «folk»- халқ, «lore»- донолик сўзларидан олинган бўлиб, халқ донолиги, донишмандлиги маъноларини билдиради. Бу атамани илк бор 1846 йилда Англиялик Вилям Томс кўллаган.

Инглиз халқ эртакларининг тўпланиб, китоб ҳолига келтирилиши анча кечиккан жараён ҳисобланади. Ака-ука Гриммлар немис халқлари эртакларини йиғиб («Kinder-und Hausmärchen»), XIX аср бошларида (1812) оммага тақдим этишган ва умрларининг охиригача Европа халқлари эртакларини тўплашган. Инглиз халқ эртакларини эса Жозеф Жейкобс халқ тилидан ёзиб олиб, илк бор китоб кўринишида («English Fairy Tales») 1890 йилда ва иккинчи тўпلام кўринишида («More English Fairy Tales») 1984 йилда чоп эттирган. XIX аср охиригача бу иш нега ҳеч ким томонидан амалга оширилмаганини Жейкобс куйидагича изохлайди:

«Инглиз халқ эртакларининг ҳалигача олам юзини кўрмаганлигининг сабаби юқори ва қуйи табақа вакиллари орасидаги ачинарли бўшлиқ эди, деб биламан. Оддий халқнинг бу ҳолатга сукут сақлаб турганини кўриб туриб, бу икки томон ўртасида кўприк вазифасини бажариш мен учун ватанпарварлик намунаси эди, шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналарини барча тоифа вакилларига бирдай танитиш халқ шодлигига шодлик кўшади, дея ишондим»

Жозеф Жейкобс эртакларни йиғиб, қайд этиши жараёнида инглиз халқ эртакарининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва ҳатто сиёсий жиҳатларини сақлаб қолишга баҳолиқудрат киришгани муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, у асли Англиялик эмас эди.

Ж. Жейкобс 1854 йил 2 августда Австралиянинг Сидней шаҳрида таваллуд топган. 1872 йилгача Сидней мактабида таҳсил олиб, шу йили Англияга ҳуқуқ соҳасида ўқиш учун боради. Кембрижда яшаб юрган кезлари у она юртида ҳуқуқшунос бўлиб ишлаш фикридан қайтади. Унинг адабиёт, тарих, антропология ва фалсафага қизиқиши ортиб, 1876 йилда у ёзувчи бўлиш мақсадида Лондонга кўчиб ўтади. Даставвал, Жейкобс бадий танқидчилик билан шуғулланиб, Time газетасида ўз мақолаларини чоп эттиради. 1900 йилда Американинг Нью Йорк шаҳрига кўчиб ўтиб, инглиз адабиётидан дарс бера бошлайди ва умрининг охиригача (1916) шу ерда қолади.

Бадий танқидчилик билан бир қаторда Ж. Жейкобс инглиз фольклоршунослигига ҳам улкан ҳисса кўшган. Ричард М. Дорсон «British Folklorists» («Британия фольклоршунослари») номли тарихий асарида 1878 йилдан биринчи жаҳон урушига қадар кўплаб истеъдодли олим ва тадқиқотчилар етишиб чиққанини таъкидлайди. Шу олимлар қаторида, шубҳасиз, ёзувчи, танқидчи, таржимон, фольклоршунос Жозеф Жейкобс ҳам бор эди. Жейкобс 1889-1900 йиллар давомида Folk-Lore журналида муҳаррирлик қилиб юрган пайтлари эртакларнинг келиб чиқиши, табиати, халқ орасида ёйилиши тўғрисидаги фикр мулоҳазаларини нашр этиб келган. Мазкур журналда фольклоршунослик масалалари, муаммолари ва истиқболлари ёритилиб, турли дебатлар ва баҳсларга сабаб бўлган.

«English Fairy Tales» va «More English Fairy Tales» tўplamlaridan tashqari, «Indian Fairy Tales», «Celtic Fairy Tales», «More Celtic Fairy Tales», «Europa's Fairy Tales» kabi asarlari Ж. Жейкобснинг фольклоршунс сифатида қанчалик сермахсул ижод қилганини тасдиқлай олади. Унинг ишларини юқори баҳолаб, кўкларга кўтарган олимлар билан бирга, унга қарши чиққан ва ижодини ёқламаган олимлар ва танқидчилар учраб туради.

Ж. Жейкобсдан ташқари Mary MacLeod Banks, Winfred Susan Blackan, Estella Canziani, Gegge Reginald Carline, Margater Alice Murray, Arthur Robinson Wright kabi олимлар инглиз фольклоршунослигига ўз хиссаларини кўшишган.

Инглиз халқ оғзаки ижоди намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш, ўзбек китобонлари ва болаларини инглиз халқ эртаклари билан таништириш ёш олимлар, тадқиқотчилар зиммасидаги масъулиятли вазифа ҳисобланади. Албатта, бу борада изланишлар олиб бораётган олимлар бор, аммо натижалар етарли эмас. Зеро, юртимиз кутубоналари ва китоб дўконларида инглиз халқ эртакларининг ўзбек тилидаги вариантларига камдан кам дуч келамиз, кези келганда уларни топа олмаймиз. Шундай экан, илм аҳлининг олдида турган ишлар ҳали талайгина.

Инглиз халқ эртакларини ўзбек тилига таржима қилиш билан бир қаторда, ўзбек халқ эртакларини инглиз тилига таржима қилиш ҳам долзарб масалалардан бири. Таржима жараёнида иккала халқнинг лингвомаданий жиҳатларини ҳисобга олиш, зарурат бўлганда таржимада трансформациядан фойдаланишга тўғри келади. Таржимада аслиятдаги каби бадий тасвири сақлаб қолиш, бадий образни гавдалантириш таржимондан юксак маҳорат ва тажрибани талаб этади. Баъзи ҳолларда таржимон альтернатив йўллардан фойдаланишга, таржиманинг турли усулларини қўллашга мажбур бўлади.

Ўзбекистонда ҳар қачонгидан-да кенгрок ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги юксалиш босқичида қадимдан маънавиятимизга мустаҳкам асос бўлиб келаётган фольклор асарларини янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни чет тилларига таржима қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбек фольклори таржимашунослигининг шаклланиши ва назарий тараққий топишида ҳозиргача Р. Файзуллаева, Ш. Рўзиев, Й. Нурмуродов, Б. Шамсиева, Х. Рўзимбоев, З. Жуманиёзов, Б. Сувонқулов, Ҳ. Юсупова, М. Жўраева, У. Йўлдошев, Р. Қосимовалар томонидан яратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Шундан М. Жўраева, Р. Ширинова, Р. Файзуллаева, Й. Нурмуродов, Ҳ. Юсуповаларнинг диссертациялари бевосита фольклор йўналишида амалга оширилгани билан алоҳида эътиборга лойиқ. Уларда ўзбек фольклорининг немис, француз, инглиз тилларига таржимаси муаммолари тадқиқот предметига айлантирилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Joseph Jacobs. English Fairy Tales and More English Fairy Tales. Edited by Donald Haase. Oxford, England. 1911
2. Mary E. Shaner. Joseph Jacobs. New York, 1987
3. Richard M. Dorson. The British Folklorists: A History. Chicago: University of Chicago Press, 1968
4. Gary Alan Fine. Joseph Jacobs: A Sociological Folklorist. Folklore, 1987
5. В. Комиссаров, Теория перевода, Москва, 1990, IV глава

BADIIY TASVIR VOSITALARINING TILLARNI O'QITISHDAGI AHAMIYATI

Bahridinova M., Mirzakarimov M. AnDU

Kalit so'zlar: badiiy tasvir, matn, janr xususiyati, stilistik tahlil, badiiy tahlil

Ключевые слова: художественное изображение, текст, свойства жанра, стилистический анализ, художественный анализ.

Shukurova Z.Sh., Turayeva M.E. SCIENCE FICTION AS A LITERARY GENRE	314
Shukurova Z.Sh., Khaqberdiyeva K.J. THE NOTION OF SYNCHRONIC TRANSLATION, ITS HISTORY OF DEVELOPMENT AND THE EXTENSION OF ITS USAGE.....	316
Тураповна Н.У. НАЗАР ШУКУР ИЖОДИДА ДАВР ТАЛҚИНИ	320
Turaqulova D.Q., Nurilloeva M.Sh. TARJIMA METODLARI VA UNING AMALIY ANAMIYATI.....	322
Халилова Д. “ҚИССАИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИНИНГ СЮЖЕТ ВА ОБРАЗ ТАЛҚИНИДА РИВОЯТ, АФСОНАЛАРНИНГ ЎРНИ	324
Юсупова Т.Т., Абдуллаева Г.М. ЗНАЧЕНИЕ ПЕРЕВОДЧЕСКИХ ТРАНСЛЯЦИЙ В ИЗУЧЕНИИ РУССКИХ НАРОДНЫХ СКАЗОК В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ ШКОЛ С ГОСУДАРСТВЕННЫМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ	327
Қувватова Д.Х. ФИТРАТ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ	329
G'afurova V.M. TARJIMA SAN'ATI.....	331
Habibova M.N. ADABIYOTSHUNOSLIKDA EPISTOLYAR JANRNI O'RGANISHGA OID DASTLAVKI KUZATISHLAR	333
Ҳамидов Х.Х. ЎЗАРО ЯҚИН ТИЛЛАРГА ТАРЖИМАНИНГ МУРАККАБЛИКЛАРИ (“ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ” АСАРИНИНГ ТУРКЧА ТАРЖИМАСИ МИСОЛИДА).....	336

III ШЎБА. ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ УМУБАШАРИЙ ОМИЛЛАРИ.....	340
Adizova O.I., Sodikov M. LE ROLE DE CHARLES AUGUSTIN SAINT BEUVE DANS LA LITTERATURE DU MONDE ENTIER	340
Akramov B.Q. RAISONS PRINCIPALES DE DIVERSITE LITTERAIRE.....	342
Арзиқулова Х.А. Ж. РАСИННИНГ “ФЕДРА” ТРАГЕДИЯСИДА АНТИК ДАВР АНЪАНАЛАРИ	344
Атамуродова Ф. Т. ГЕРБЕРТ УЭЛЛС АСАРЛАРИДА ИНСОН ТАМОЙИЛИ	347
Ahmedova R., Ikromova N. SADRIDDIN A'YNIY – ZULLISONAYN ADIB	349
Ахмедова С.Х. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА	351
Bahridinova M., Mirzakarimov M. BADIY TASVIR VOSITALARINING TILLARNI O'QITISHDAGI ANAMIYATI	352
Бахронова Д.К., Турамуратова И.И. РАЗГРАНИЧЕНИЕ ПОНЯТИЙ «ДИСКУРС» И «ТЕКСТ»	353
Vozorova N.Y., Sharopova Sh.Sh. ТЕОДОР ДРАЙЗЕР АСАРЛАРИДА РЕАЛ ҲАЁТ ТАСВИРИ	357
Djumayeva N.Dj. MAGICAL EDGED OBJECTS AND THEIR PECULIARITIES IN ENGLISH FOLKLORE.....	358
Djalilova Z. INGLIZ ATIRGULI TARIXI.....	360
Ermetova J.I., Karimova F.S. INGLIZ VA O'ZBEK TILIDAGI ALLALARDA MUROJAATNI IFODALOVCHI SO'ZLAR.....	362
Ganieva O.Kh., Ergasheva M.B. DESCRIPTION OF APATHY IN THE NOVEL “THE GRAPES OF WRATH”	364
Ikromova L.B., Sharipova Sh.N. LES PROVERBES DANS LA LITTERATURE	366
Ismatova Sh.B., Bahodirova N.Sh. “ЖЕННИ ГЕРХАРДТ” РОМАНИДА ИНСОН ТАБИАТИ ТАСВИРИ	368
Жалилова Л.Ж. ЖАНРОВОЕ СВОЕОБРАЗИЕ САТИРИКО-ЮМОРИСТИЧЕСКОЙ НОВЕЛЛЫ Р.БЕНЧЛИ: «SHORT STORY» И «ESSAY»	369
Жумаев А.А. ENTSTEHUNG DES DEUTSCHEN VOLKSMÄRCHEN	372
Jumaeva D.P. MYTH AND MYTHOLOGY IN ART	375
Jumaeva N. THE PICTURE OF BENJY IN “THE SOUND AND THE FURY”.....	376
Karimova D.H. Y.V. GYOTE NEMIS ADABIYOTINING BUYUK NAMOYONDASI.....	380



Buxoro davlat universiteti

 @buxdu_uz

 @buxdu1

 @buxdu1

 www.buxdu.uz

BUXORO, 200117, M.IQBOL ko'chasi, 11-uy

2020